Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 140 (2429).
СЕШАНБА
18 июнь, 1974 й

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1974 йил 16 июнь, якшанба куни тўққизинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Советига сайлов ўтказилди.

16 июнь куни Москвада, Союзлар уйида СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди, мажлисда комиссия раиси П. Н. Федосеевнинг мамлакатда овоз бериш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Совет Иттифоқининг бутун территориясида сайлов маҳаллий вақт билан эртаблаб соат 6 дан кечқурун соат 10 гача давом этди.

Марказий сайлов комиссиясида олинган маълумотларга қараганда, кундуз соат 12 гача сайловчиларнинг 85,59 проценти, кечқурун соат 6 гача эса 99,34 проценти овоз берди. Кечқурун соат 6 гача овоз беришда РСФСРдаги сайловчиларнинг 99,02 проценти, Украина ССРда 99,85 проценти, Белоруссия ССРда 99,63 проценти, Ўзбекистон ССРда 99,85 проценти, Қозоғистон ССРда 99,99 проценти, Грузия ССРда 99,32 проценти, Озарбайжон ССРда 99,31 проценти, Литва ССРда 99,49 проценти, Молдавия ССРда 99,73 проценти, Латвия ССРда 99,28 проценти, Қирғизистон ССРда 99,74 проценти, Тожикистон ССРда 99,01 проценти, Арманистон ССРда 99,35 проценти, Туркманистон ССРда 98,78 проценти ва Эстония ССРда сайловчиларнинг 99,69 проценти овоз беришда қатнашди.

СССР Олий Советига сайлов ҳамма жойда сайловчиларнинг зўр сиёсий активлиги ва уюшқоқлиги вазиятида ўтди, совет демократиясининг умумхалқ байрамига айланиб кетди.

(ТАСС).

ЗАРБДОР СУРЪАТ

Иккинчи туннель отрядининг Эрик Кусеп-гелиев бошлиқ 5-участка метросозлари Узбекистон кўчасида Тошкент метрополитенининг «Халқлар дўстлиги» станциясида меҳнат қилмоқдалар. Улар тупроқнинг сейсмик инжиқликларига қарамасдан, с м е-нада белгиланган планларидан ошириб туннель очишга эришяптилар. Участка коллективи ўтган ой планини 143 процентга етказиб адо этди. «Халқлар дўстлиги» бекатидан «Пахтакор» станцияси томонга 95 метрдан зиёд лаҳим очилди. Участкалар ўртасида социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган А. Просолев бошлиқ бригаданинг П. Сенчилин, П. Лагутин, А. Мязин каби сергайрат лаҳимчилари жонбозлик кўрсатишди.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ БРОШЮРА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежневнинг 1974 йил 14 июнда Кремлининг Съездлар саройида Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқи текстини брошюра қилиб чиқарди.

(ТАСС).

БЕЛГИЛОВЧИ ЙИЛНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

ТЎҚУВЧИ ЁШЛАР УЧУН

Тошкент тўқимачилик комбинати кўп минг кишилик коллективининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Улардан кўпчилиги бу ерда кунглига ёққан касбнигина эмас, балки ўз бахтини, ҳам топади. Ҳар йили ёш тўқимачиларнинг ўнларча янги оиласи юзага келади. Ҳозир корхона маъмуриятининг диққат марказида ёш қайлиқлар қаерда яшаши керак?— деган масала турибди. Комбинат уларни бир йўла уй-жой билан таъминлай олмайди. Квартира учун навбатни бир неча йил кутишлари керак. Бу эса ёш оилани қониқтирмайди, албатта.

Ана шуларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар партия комитетининг қўллаб-қувватлаши натижасида комбинат дирекцияси ёш қайлиқлар учун махсус бино лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни комбинат яқинида қуришга рухсат олишга муваффақ бўлди.

Ҳозир «Ташгипрогор» томонидан бири 800 ёш қайлиқ учун, иккинчиси эса кам кишилик оилалар учун тўрт қаватли уй қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар хизмат кўрсатиш блоки билан бирлаштирилади. Бу ерда ошхона, кир ювиш бўлими, кутубхона, дам олиш хонаси, ўқув залини жойлаштиришни мўлжаллашмоқда.

Қурилишга тайёргарлик ишлари тўла суръат билан олиб борилмоқда. Кичик эски уйлар бузилмоқда, майдон текисланиб, тупроқлар ташилмоқда, пойдевор қурилмоқда. Иилнинг охирига бориб хизмат кўрсатиш блоки билан бир бино, 1976 йилнинг ярмида эса иккинчиси фойдаланишга топширилади.

Урта Осиё темир йўли Тошкент тепловоз депосининг ремонтчилар коллективи ҳаракатдаги составлардан самарали фойдаланишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТДА: депонинг бир группа илғор ремонтчиларидан В. Дубов, Р. Мўминов ва Д. Алёшин ўртоқлар. Улар смена топшириқларини 1,5 баравар бажарадилар.

М. Нуриддинов фотоси.

ОЛИМЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб пойтахтдаги халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ўтказилган республикамиз областлари кунлари иштирокчилари — Фарғона область меҳнаткашларининг бир группаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳисоблаш маркази кибернетика институти ходимларининг меҳмони бўлишди.

Учрашувда институт директори ўринбосари, техника фанлари доктори И. Х. Убайдуллаев меҳмонларга институт тараққиёти ва ва кибернетиканинг республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришдаги тутган ўрни ҳақида гапириб берди.

Меҳмонлар область меҳнаткашларининг шонли юбилейга атаб эришаётган меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилдилар.

Совга сифатида меҳмонлар институт коллективига доҳиймиз В. И. Ленин портретини ва китоблар совга этдилар.

Учрашувда фарғоналик шоир Адҳам Ҳамдам, хушовоз хонанда Қобилжон Юсуповлар ўзларининг жозибадор шеър ва ашулалари билан институт ходимларини хушнуд этишди.

Тошкент — мамлакатга, жаҳонга

ҒАРҚ ПИШИҚЧИЛИК

Узбекистон деҳқонлари етиштирган нозу-неъматлардан мамлакатимизнинг узоқ районлари меҳнаткашлари ҳам бахраманд бўлмоқдалар. Ёз неъматларини дўстлар адресига етказиб беришда Тошкент авиа бўлинмасининг учувчилари муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўзбек учувчилари Тошкент области хўжаликларида етиштирилган 12 тонна карам ва бодрингни Петропавловск—Камчатка шаҳрига етказиб бердилар. Ана шунча миқдордаги маҳсулот ҳам Магадан меҳнаткашлари дастурхонига армуғон этилди.

Кейинги кунларда самолётлар Якутск, Жанубий Сахалин, Чукотка, Чита, Норильск шаҳарларига бир неча бор парвоз қилди.

Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳри меҳнаткашлари ўзбек деҳқонларининг 50 тонна қулупнай ва гилосидан бахраманд бўлдилар. Дастлабки пишиқчилик кунларда олис районларга ҳаммаси бўлиб 500 тонна маҳсулот жўнатилди.

Учувчилар айни пайтда Монголия Халқ Республикасига ҳам парвоз қилмоқдалар. Қўшни ва дўст мамлакатнинг меҳнаткашларига 20 тонна помидор, карам, бодринг етказиб берилди.

Самарадорлик ортмоқда

Юбилей йили меҳнат вахтасини авж олдирган машинасозлар ҳар бир меҳнат участкасида юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Зиммаларига олган топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган трактор заводининг коллективи иш соатларидан унумли фойдаланган ҳолда меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириб бораяпти. Бу йил машинасозлар қишлоқ меҳнаткашларига 21 минг 500 трактор ва 36 минг 100 пахтани қоп-қа норсиз ташийдиган прицепла р етказиб беришлари керак. Ўтган беш ой давомида қишлоқ меҳнаткашларига 9 мингдан зиёд трактор етказиб берилди.

Корхонада меҳнат унумдорлигини оширувчи асосий омиллардан бири бўлган техника восталарини такомиллаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Тракторларни йиғиш жараёнини бир меъёрда ташкил қилиш мақсадида, заводнинг бош конвейеридаги кўпгина ишлар механизациялаштирилди. Ҳозирда монтаж ишлари икки томонлама олиб борилмоқда. Бу эса коллективга вақтдан ўзиб ишлаш имконини бермоқда. ЦехларарО бошланган ўзаро социалистик мусобақада биринчи ва 19-йиғув цехининг коллективи голиблик қилмоқда. Заводда биринчи бўлиб, беш йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш ташаббуси билан чиқаётган машинасозлар ишлаб чиқаришга янги техника восталарини жорий қилиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида заводнинг иккинчи механика цехига ўрнатилган қатор серунум токарлик ва фрезерлик дастгоҳлари маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Йил охиригача бундай дастгоҳлардан яна ўндан ортиғи ўрнатилади.

Маҳсулот сифатини яхшилашда ишчиларнинг аралаш касб эгаллаши ҳам яхши натижа бермоқда. Ўтган беш ой давомида корхонада 150 дан зиёд киши аралаш касбга ўргатилди. Бу борада айниқса, заводнинг беш конвейер цехида ибратли ишларни амалга оширилмоқда. Натижада тракторларни йиғиш жараёни тобора тезлашиб бораяпти. Цех коллективи қўлидан чиқаётган техника восталари махсус синовдан сўнг тўппа-тўғри қишлоқ меҳнаткашларига жўнатилмоқда. Машинасозлар учун июнь ойи ўзига хос қувончлидир. Чунки завод конвейеридан ўн мингинчи трактор туширилиб, республикамиз пахтакорларига жўнатилади. Қишлоқ меҳнаткашларидан келаётган буюртмаларни ўз вақтида бажарилишида бош конвейер цехининг йиғувчи-слесарлари А. Аҳмадалиев, В. Голубев, Т. Маннопов, А. Абдуллин каби меҳнат илғорлари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаяпти.

Тонгги газеталарда

★ Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хоненкер КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ дўстона визит билан 17 июнда Москвага келди.

★ СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет делегацияси кеча Москвадан Софияга жўнаб кетди. Делегация ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг бу ерда очиладиган XXVIII юбилей сессиясида иштирок этади.

★ СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Австрия Республикасининг СССРдаги элчиси Х. Хаймерлени Совет Иттифоқидан жўнаб нетиши муносабати билан 17 июнда Кремлда қабул қилди. Икки ўртада дўстона вазиятда суҳбат бўлиб ўтди.

★ Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга гўшт сотиш ярим йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари 110 процент, сут сотиш планини 102,4 процент ва тухум сотиш планини 116,4 процент бажардилар.

Педагоглар жамияти тузилди

Тошкентда республика педагоглари жамиятининг биринчи таъсис съезди ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедовдан янги жамият олдида турган вазифалар ҳақида гапириб беришни сўради.

— Республика педагоглар жамиятини тузишдан мақсад кенг жамоатчилик ўртасида педагогик билимларни пропаганда қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик ва интернационализм руҳида тарбиялаш борасида тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштиришдан иборат, — деди Саид Шермуҳамедович. — Ўзбекистон педагогика жамияти кўнгилли илмий-педагогик жамоат ташкилоти, унинг асосий вазифалари партия ва ҳукуматимизнинг ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик тарбия бериш бўйича топшириқларини амалга оширишдан иборат.

Ҳаммамизга маълумки партия ва ҳукуматимизнинг умумий ўрта таълимга ўтиш тўғрисидаги қарорлари давр талабларидан биридир. Чунки ҳозирги пайтда, фанлар, ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ана шунинг учун ҳам бизга олий малакали, ўз ишини ҳар томонлама пухта биладиган зиёли кишилар керак. Ҳозир республика мактабларида ана шу талабларни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида катта ишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш тарбия ишининг асоси бўлиб қолмоқда. Чунки ёшлар ҳаётда актив ва ҳар томонлама билимдон бўлишлари лозим. Сўнгги йилларда педагогика фанларига катта эътибор берилаётганлигининг боиси ҳам ана шундадир.

— Ўзбекистон педагогика жамияти олдида қандай шарафли вазифалар турибди?

— Янгидан ташкил қилинган бу жамиятнинг асосий фаолияти кенг жамоатчилик ўртасида совет педагогика фанининг илғор тажрибаларини пропаганда қилиш ва аҳоли ўртасида педагогик билимларни кенг тарқатишдан иборатдир. Жамият республикамизнинг энг яхши педагогик кучларини ўзида мужассамлаштирган марказга айланмоғи, олимларнинг куч ва ғайратларини педагогика ва психологиянинг актуал масалаларини ҳал қилишга сафарбар этмоғи лозим.

Айни пайтда бу ташкилот ўз аъзоларига ,уларнинг махсус билимларини кенгайтириш ва бойитишда, ғоявий — назарий даражасини янада ошириш ишида яқиндан ёрдам бериши керак. Бу тадбирларни амалга ошириш мақсадида илмий-назарий конференциялар, симпозиумлар, докладлар, назарий мунозаралар, таълим масалалари, коммунистик тарбия бўйича педагогик ўқишлар ўтказилади.

Бу ердан ташқари кўнгилли илмий-педагогик жамият дарсликлар, ўқув методик қўлланмалари ва техника воситаларини тайёрлашда ташкилотларга яқиндан ёрдам беради.

— Бу жамиятнинг аъзолари қандай кишилар бўлиши мумкин?

— Жамиятга мактаб ўқитувчилари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, болалар боғчалари ва мактабдан ташқари муассасалар халқ маорифи матбуот ходимлари; илмий ходимлар; турли жамоат ташкилотлари вакиллари ва бошқа кишилар аъзо бўлишлари мумкин.

Бу жамиятнинг ташкил қилиниши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеалардан биридир.

Дақиқаларни қадрлаб

Беш йилликнинг белгиловчи йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш қизғин тус олмоқда. Коллективда биринчи бўлиб беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ташаббуси билан чиқкан механика цехининг токари Иван Николаев издошлари сони тобора ортиб бораяпти. Корхонада бошланган меҳнат беллашувида механика цехи коллективи голиблик қилмоқда. Ишлаб чиқаришга прогрессив усулларни жорий қила борган цех коллективи ўтган беш ой давомида плондан ташқари бешта кран тележкаларини монтаж қилди. Цехда вақтдан ўзиб ишлаётган пайвандчи О. Шарипов, А. Абзалова каби меҳнат илғорлари меҳнат календарида 1976 йилни кутиб олишди. Цехда 10 тонна юк кўтарадиган кран тележкаларини тайёрлаш жараёни тобора такомиллашиб боряпти. Иван Николаевнинг таклифи бўйича тележкаларнинг марказий ўқларини тайёрлаш жараёни илгаригисига нисбатан тўрт марта тезлаштирилди. Социалистик мусобақа шарофати туфайли коллективда ишни бир меъёрда ташкил қилиш имкони яратилди. Узунлиги 18 метрдан 34 метргача бўлган кўприк кранларини йиғишда Л. Иоффе бошлиқ монтаж цехининг коллективи катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Цехда йиғув жараёнининг ярим конвейер усулида ташкил этилиши катта имконият ларга йўл очиб берди.

Сабзавот магазини

Госпиталь бозорида яна бир ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи сабзавот магазини ишга туширилди. У «Ўзбекистон 50 йиллиги» квартали аҳолисига қулайлик туғдирмоқда.

Магазинни тез ва соз қуришда Савдо бошқармасининг ремонт қурилиш бошқармаси бинокорлари фидокорона меҳнат қилдилар. Улар қисқа вақт ичида 39 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказдилар.

Замонавий магазинда сабзавот ва консерва маҳсулотлари, шунингдек, мевалар билан савдо қилувчи бўлимлар мавжуд.

Ойнаванд, бир қаватли сабзавот магазини барча қулайликларга эга.

Қишлоқ—шаҳарга

Шаҳарликлар дастурхонига

Собир Раҳимов район улгуржи-чакана савдо идораси далаларда етиштирилган мўл ҳосилни ҳамшаҳарларимизга ўз вақтида етказиб беришда жонбозлик кўрсатмоқда. Бугунги кунгача савдо шохобчаси азаматлари 1310 тонна сабзавот тайёрлашди. 1069 тонна картошка магазинларга тарқатилди.

Улгуржи-чакана савдо идораси бу маҳсулотларни Калинин районидаги Ильич, Охунбобоев, Ленин колхози далаларидан тўғри магазинга келтириб туширишмоқда. Бугунги кунгача Ильич номли колхоз деҳқонлари 565 тонна сабзавот, Охунбобоев номли колхоз азаматлари 245 тонна картошка, Ленин номли колхоз меҳнаткашлари 186 тонна сабзавот етказиб бердилар. Ҳар куни Ильич номли колхоздан ҳамшаҳарларимизга 130 тоннадан картошка ва 98 тоннадан сабзавот келтирилмоқда.

Райондаги Т. Шосалимов бош бўлган 1-магазин, Агрегат заводи қошидаги С. Саидов бошлиқ 19-магазин ва 2-Қорақамиш массивидаги В. Алимов мудирлик қилаётган 15 магазин хизматидан ҳамшаҳарларимиз миннатдор. Чунки бу магазинда аҳоли ўзига керакли бўлган ҳар хил дала маҳсулотини харид қила олади. Далада етиштирилаётган сабзавотлар тўғридан-тўғри ана шундай магазинларга келтириб туширилаётганлиги сабабли сифатини йўқотмасдан, харидорларга жуда маъқул бўлмоқда.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. «Ўзбекбирлашув»нинг янги қурилаётган биноси.

Ш. Иброҳимов фотоси, (ЎзТАГ).

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИБ

Октябрь район маориф бўлимида бугунги кунда 2757 ўқитувчи 49241 ўқувчига таълим бермоқда. Бугунги кунда 45 мактабда ўқувчилар сўнгги имтиҳонларни топширишиб, ҳадемай дам олишга чиқишади. Райондаги 21 та мактабда очилган пионер лагери улар ихтиёрида бўлади. Район касаба союз ташкилотининг раиси Э. Пўлатов мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди.

— 2-кварталга санаторийларга 21 та путёвка олдик. Бу шифобахш ва хушҳаво оромгоҳлар Ялта, Анапа, Пятигорск, Есентуки, Цхалтуба, Кисловодск каби хушманзара ерларда жойлашган. Дам олиш уйларига 45 та путёвка олганмиз.

Туристик сафарга бу квартал учун 50 та путёвка олдик. Шундан тўртласи бўйича Болгария ва Руминияга сафар қилинади.

Ўқитувчиларимизнинг фарзандларини шаҳримиздаги «Зорький» ва «Костёр» пионер лагерларига юборяпмиз. Биринчи мавсумда 60 ўқувчи ана шу пионер лагерларида дам олмоқда.

Жаҳон ойнаси

★ **ВАРШАВА. Ҳамма нарса инсоннинг фаровонлиги учун, халқнинг бахт-саодати учун КПСС, Совет давлати фаолиятининг чуқур мазмуни ва мақсади шундан иборат, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси Л. И. Брежневнинг сайловчилар билан учрашувда сўзлаган нутқи ҳақиқатан ҳам Совет Иттифоқида КПСС XXIV съезди белгилаб берган совет экономикасини янада тез ривожлантиришдан, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишдан иборат йўл комил ишонч ва муваффақият билан бажарилаётганлигини кўрсатувчи ҳақиқатан ҳам ёрқин ҳужжатдир.**

★ СОФИЯ. «Работническо дело» газетаси бундай деб ёзади: КПСС Марказий Комитети Бош секретари энг муҳим халқаро проблемаларни чинакам принципиал синфий мавқелардан қараб, ҳозирги замонда кучлар нисбатини чуқур анализ қилиб, совет мамлакати келажакда ҳам халқаро кескинликни янада юмшатиш учун, тинчлик учун, барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун тинмай курашга аҳд қилганлигини яна таъкидлади.

★ ХАНОЙ. Озодлик матбуот агентлигининг хабар беришича, Сайгон режими қўшинлари 31 майдан 8 июнгача Сайгон армиясининг ҳужум ҳаракатларини қўллаб туриш мақсадида Тхузаумот вилоятидаги Беннат шаҳри яқинида аҳоли тиғиз яшайдиган районларни артиллериядан тўпга тутдилар ва авиациядан бомбардимон қилдилар. Жанубий Вьетнам халқ Озодлик қуролли кучларининг бўлинмалари бунга жавобан Тхузаумот вилоятида душманга қарши зарба бердилар. Тўпа бўлмаган маълумотларга қараганда, 31 майдан 10 июнгача ватанпарварлар Сайгон қўшинларининг 1020 дан қўпроқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, тўртта самолётни уриб туширдилар, 25 танк ва бронетранспортёрни ҳамда 4 та ҳарбий автомашинани йўқ қилдилар ва шикаст етказдилар, жуда кўп миқдорда қурол-яроғ ва ҳарбий анжомларни қўлга туширдилар.

(ТАСС).

Партия турмуши:

КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

● **Сўз—партия ташкилоти етакчиларига**

ҲАР ИШДА ЎРНАК

Халқимизнинг катта юбилейларга зўр тўйёналар билан бориндек ажойиб одати бор. Маълумки, бу йил биз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 50 йиллик юбилейини кенг нишонлаймиз. Ҳозирги пайтда ана шу олтин тўйга муносиб тўйёналар тайёрлашни дилга жо қилган халқ хўжалигимизнинг турли соҳалари меҳнаткашлари ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаб, янги-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. Бизнинг кун кечилик нашриётимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам бу борада таҳсинга лойиқ ютуқларга эришмоқдалар.

Шу кунларда нашриётимизнинг қайси бир цехида бўлманг, ишчиларнинг ягона мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Коллективимиз аъзолари партиямиз XXIV съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети декабрь (1973 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш йўлида тинмай ижодий изланиб, ишлаб чиқариш резервларидан самарали фойдаланишга, ишлаб чиқаришда иқтисод ва тежамкорликни кучайтиришга ҳам бутун диққат-эътиборларини қаратмоқдалар.

Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилидаги режаларимиз катта. Матбаачилар ана шу режаларни амалга ошириш, юбилей йилида ишлаб чиқаришда юксак унумдорликка эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашиб, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида яхши кўрсаткичларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланган ишчиларимиз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Корхонамизда, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳаракати қулоч ёйди. Ишчиларимиз ўртасида «Олти кунлик топшириқни беш кунда бажарамиз», «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда ado этамиз» деган шиор айниқса кенг ёйилди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган коллективимиз ўтган беш ой мобайнида плондан ташқари тўқсон минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Хўш, йил сайин қўлга киритаётган ютуқларимизнинг сири нимада? Бу— ишчи вақтидан унумли фойдаланиш, резервларни ишлаб чиқариш тадбирларилик билан жорий этиш ва энг муҳими, меҳнат беллашувини намунали йўлга қўйиш самарасидир.

Нашриётимизнинг барча цехларида ким ўзарга авж олдирилаётган мусобақа яхши натижалар бераяпти. Ҳар галгидек бу мусобақада коммунистларимиз олдинги сафда боришмоқда. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштиришга ўзларининг бутун билим ва тажрибаларини сарфламоқдалар. Коллективимиз белгиловчи йилда куч ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шиори остида меҳнат қилаётган экан, бунда КПСС аъзоларининг авангардлик роли, уларнинг шахсий намунаси айниқса кўзга яққол ташланмоқда.

Бизнинг партия комитетимиз сафларида 240 коммунист бор. Булар корхонамизда ишлаётганларнинг 15 процентини ташкил этади. Бу алоҳида катта кучдир. Уларнинг авангардлик роли, шахсий намунаси туфайли нашриётимиз йил сайин ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини ортиқ билан бажармоқда. 1973 йилнинг январидан 1974 йил мартига қадар корхонамизнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қаторасига беш марта мукофотли ўринни олганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Ҳа, матбаачиларимизнинг СССР полиграфия саноати корхоналари ўртасида голиблик қилаётгани ҳар биримиз учун фахрлидир.

Шуни айтиш керакки, коммунистлар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиш билан бир қаторда жамоат ишларини бажаришда ҳам ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар. Улар орасида нашриёт раҳбар ходимларини ҳам, оддий ишчиларни ҳам учратасиз. Нашриётимиз директорининг биринчи ўринбосари Фаттоҳ Абдурахмонов СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловлар бўйича участка сайлов комиссиясининг раиси сифатида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Унинг раҳбарлигида кўплаб агитаторлар сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни зўр уюшқоқлик билан ўтказдилар. Нашриёт директорининг капитал қурилиши бўйича ўринбосари, коммунист Л. И. Добринский, марксизм-ленинизм асослари мактабига раҳбарлик қиладиган. Директор ўринбосари Ҳ. Юнусов эса партия маорифи бўйича тўгарак раҳбаридир. Коммунистлардан Г. П. Скоморохов, Н. А. Викнянский, Н. А. Кушнир, Б. С. Коваль ва бошқа ўртоқлар ҳам ўзларига топширилган жамоатчилик ишларини яхши адо этмоқдалар.

Корхонамиз коллективи коммунист Вера Дроздова номини фахр билан тилга олади. Бу ажойиб ишчигина бўлиб қолмай, балки шу билан бир қаторда нашриёт бланка цехи партия группасининг энг яхши секретари ҳамдир. В. Дроздова ишлаб чиқариш топшириқларини ортиқ билан бажаришда ҳам, ўз билим савиясини оширишда ҳам барчага намуна бўлмоқда. У марксизм-ленинизм кечки университетида таҳсил кўрмоқда.

Матбаачи-коммунист Қўчқор Худойқулов ҳақида кўпгина илиқ гапларни айтиш мумкин. У смена топшириқларини мунтазам ортиқ билан бажаради. Қ. Худойқулов цинкография цехи партия ташкилотининг секретари, нашриёт партия комитетининг аъзоси сифатида кўпгина ибратли ишларни бажаряпти.

Коллективимиз аъзолари ўртасида беш йиллик топшириқларини барвақт ado этиш ҳаракати кенгайиб бораётганлигини юқорида эслатиб ўтган эдим. Ҳозирги кунда 50 дан зиёд ишчи тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариб, келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Ана шулар орасида коммунистларимиз ҳам анчагина. И. Хоменко, М. Шкурай, Т. Федорева, В. Логинов сингари ажойиб новаторларимиз вақтдан ўзган ҳолда ишлаб, барчанинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлмоқдалар. Улар ўртасида «1973 йилги социалистик мусобақа голиби» деган нишон билан тақдирланган ишчиларимиз ҳам бор. Ўтган йилги ишлаб чиқаришда эришган катта зафарлари учун 138 киши ана шундай нишон билан мукофотланди.

Нашриётимиз партия комитети ва цехлар партия ташкилотлари бутун диққат-эътиборни белгиловчи йил тошириқларини ортиқ билан бажариш, Ўзбекистон ССР нинг олтин юбилейига катта тўёналар билан боришга қаратмоқда. Бу ўринда яна бир ибратли тадбирни эслатиб ўтиш ўринлидир. Корхонамизда ана шу шонли юбилей шарафига меҳнат ишлари эстафетаси ташкил этилди. Ана шу эстафетага барча ишчиларимиз, биринчи навбатда коммунистларимиз ўзларининг меҳнат, совғаларини қўшмоқдалар.

Нашриётимиз кўп кишилик коллективи 1974 йил тошириқларини шараф билан бажаради. Бунга ҳар соҳада намуна кўрсатаётган коммунистларимизнинг айниқса салмоқли ҳисса қўшишларига шак-шубҳа йўқ.

Т. ИСҲОҚОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти партия комитетининг секретари.

Шаҳарсозлар Совети кенгашидан

ТОШКЕНТ КЕЛАЖАККА ОДИМ ОТМОҚДА

Тошкент ижроия комитети архитектура-планлаштириш бош бошқармаси шаҳарсозларининг навбатдаги йиғилишутказилди. Унда тошкентлик архитекторларнинг маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва Узбекистон 50 йиллиги номли проспект лойиҳаларининг планировка ва эскизлари муҳокама қилинди. «Тошкент оқшоми» газетаси бундан буён шаҳарсозлар яратган янги лойиҳалар ҳақида материаллар бериб боради.

Маиший хизмат ўйи

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бу корхона комплекси шаҳардаги шу турдаги биноларнинг энг йириги бўлади. У маиший хизмат кўрсатиш маркази ҳисобланади. Комплекснинг цех, устахоналарида етти юздан зиёд киши хизмат қилади.

Аввалларги шаҳар марказида, айниқса М. Горький ва Киров кўчаларида кўп маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турарди. Тошкентни қайта қуриш бош планига асосан бу тармоқлар жойлашган эски бинолар бузилиб, ўрнига янгилари қурилгани учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналари камайди. Ҳозирги пайтда маиший хизмат кўрсатиш пунктлари шаҳар марказида фақат марказий бозор ёнидагина мавжуд. Булар ҳам вақтинча ишлаб турибди, тез орада улар янги қурилишларга ўз ўрнини бўшатади.

Шунинг учун бу комплекс ўз олдига ўшаларнинг ҳам вазифасини бажаришни, кўп аҳолига хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. «Ташгипрогор» институтида яратилган лойиҳанинг бош архитектори Р. Хайрутдинов авторлар коллективи ва комплекс қурилиши олиб борилиадиган майдон ҳақида атрофлича сўзлаб берди. Чунки, бундай ҳолларда архитектура планлаштириш ишларини аввалдан аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Қурилиш Апанасенко, «Правда Востока», Пряшников ва Дзержинский кўчалари атрофида «Шарқ» меҳмонхонасининг ёнида бошланади. Маълумки, меҳмонхона биноси 1912 йилда қурилган бўлиб, у шаҳар архитектураси ва тарихида муҳим ўрин тутади. Бу икки бинонинг бир хил қаватли бўлиши, ташқи безакларининг айрим ўхшашликлари натижасида улар ўзаро уйғунлашиб кетади. Биноқорлар пардоз ишларида ҳарсангтош, металл, керамика каби чидамли материаллардан фойдаланишади. Бундан ташқари комплекс ва меҳмонхона «Правда Востока» кўчасидан киладиган бир умумий ховлига эга бўлади. Бу қўшничилик меҳмонхонада яшовчилар учун кўчага чиқмасдан соқол олдириш, кийимларни тозалатиш, фотоаппарат, соат электр устараларни тезда ремонт қилиш имконини беради.

Маълумки, маиший хизмат уйлари типовой лойиҳалар асосида қурилади. Лойиҳа авторлари хизмат кўрсатувчилар ва иш билан мурожаат этувчилар учун керакли барча қулайликларни яратишга интилишган. Бинонинг ер ости қисмида 40 автомашина учун тўхташ жойи қуриш белгиланган. Лойиҳага асосан биринчи қаватда 26 ишчи ўрнига эга бўлган сартарошхона, ярим фабрикатлар салони, пойафзалларни тез тузатиш ва товалаш, телателье, тезда кимёвий тозалаш ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари жойлашади.

Иккинчи ва учинчи қаватларга ярим саноатга боғлиқ характердаги 280 ўринли якка буюртмалар, фотоательелар қурилади. Масалан, 2-қаватда маиший хизмат кўрсатиш техникаларини, соат, заргарлик буюмлари, фотоаппаратларни ремонт қилиш устаханалари жойлашади. Учинчи қаватда якка буюртмалар бўйича кийим тикиш ательеси, эркаклар, аёллар ва болалар учун устки ва ички либослар тикиш учун буюртма қабул қилишади. Ҳар бир корхона ходимларига қулайлик туғдириш мақсадида уларнинг ҳар бирига алоҳида майдончалар ажратилади. Салонларда буюртмачиларнинг қабул қилиш ўринлари ҳам жуда қулай ишланган.

«Г» шаклидаги бино қурилишида Тошкентда ишлаб чиқарилаётган йиғма темир-бетон конструкцияларидан фойдаланилади. Маиший хизмат кўрсатиш комплекси қурилишига келгуси йилдан киришилади.

Йирик магистрал кўчанинг яратилиши

Бироз вақт ўтгач, Тошкентнинг «Ўзбекистон 50 йиллиги» деб аталган янги проспекти (аввалги М. Горький кўчаси) А. Навоий ва Ш. Руставели каби кўчалар билан рақобатлашадиган бўлиб қолади. У улардан ҳам кўркам ва гўзал бўлади. Лойиҳа устида «Ташгенплан» институтининг катта ижодий коллективи иш олиб бормоқда. Улар проспектнинг А. Дониш кўчасидан Бўзсув каналига бўлган қисмининг лойиҳа эскизларини шаҳарсозлар йиғилиши қатнашчилари ҳукмига ҳавола этди.

Бундай улкан кўчани қуриш ғояси Тошкентни қайта қуриш бош плани асосида вужудга келган. Бу энг серқатнов кўча бўлиб, у шаҳар марказий қисмини йирик ўқув ва илмий комплекслар, турар жой массивлари ва шимоли ғарбдаги саноат объектлари билан бирлаштиради. Кўча ўтадиган жойда ҳозир ҳом ғиштдан қурилган эски типдаги бинолар бор. Улар ободонлаштирилмаган ва инженерлик қурилмалари билан жиҳозланмаган. Уни реконструкция қилиш учун эски типдаги биноларни бузиб, қайта қуриш ишларини амалга оширишга тўғри келади.

Магистраль кўча атрофларига 9 ва 4 қаватли замонавий турар жой ва турли жамоат бинолари қурилади. Биноларнинг атрофларида яшил майдончалар, бассейнлар жойлашади. Турар жой ва жамоат бинолари ёнида ихтисослаштирилган маиший хизмат кўрсатиш корпуслари, магазинлар, 600 ўринли меҳмонхона, Лекторлар уйи, дорихоналар, алоқа бўлимлари барпо этилади. Магистраль кўчага турар жой микрорайонларига хизмат кўрсатадиган маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, жамоат савдо маркази ва коммунал зонаси туташади.

И. АҲМЕДОВ.

Беш йиллик зарбдорлари

УЛҒАЙИШ

ЭФИРДА кўй янграйди. Субҳидам қуёшининг илк нурлари завод биноси пештоқида жилваланиб ўйнайди-да, бинони нурафшон этди. Смена бошланадиган вақтга оз қолди. Назира опа Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган мана шу заргарлик заводига қадам қўяркан, беихтиёр хотирасига ўрнашиб қолган воқеаларни ўйлади.

...— Ассаломуалайкум, келинг уста, — мулойимлик билан қарши олди Аҳмад акани мастер Азиз Баҳобов.

Орадан бироз сукунат ўтди.

—Қизим Назира шу Қўштут ғузаринг яқинида туради, фабрикага яқин. Уни сенга шогирдликка олиб келдим, —Аҳмад ака чинни пиёлада узатилган памил чойдан бир ҳўплади-да мастернинг жавобини кутди.

—Яхши ўйлабсиз, уста. Ота касби—олтин касб. Назира сиздек табаррук отанинг изидан борса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Хотиржам бўлинг, ўзим заргарликнинг барча сирларини ўргатаман, —деди мастер Аҳмад акани хотиржам қилиб.

...Йиллар кетидан йиллар ўтаверади. Лекин яхшилик унутилмайди.

Назира опа устози Азиз акани фазилатларини эслаб, эндигина иш бошлаган эди, цех мастери Фатхулла Миргиёсов унинг ёнига келди:

—Опажон яхшимисиз? Завод бўйича ўтказилган тўрт ойлик социалистик мусобақада ғолиб чиқибсиз, табриклаймиз. Бу хушхабар билан бирга сизга битта янги шогирд ҳам олиб келдим. Фатхулла бир чеккада ийманиб турган қизчани имлаб чақирди. — Мана оти Саноат.

—Маъқул, бу «ўқув»чимни ҳам Мамлакат, Ҳайри, Валентина каби шогирдларим сингари мустақил ишлашга ўргатаман. Саноатхонни республикамизнинг олтин юбилейи кунига қадар пешқадам ишчилар сафига қўшишга ҳаракат қиламан. — Назира опа янги шогирдига иш жойи ҳозирлади.

—Балли, Назира опа. Шогирдсиз устани меваси дарахтга ўхшатишларини ҳеч унутмайсизда. — Цех мастери мамнун кулиб хонасига бурилди.

Н. Аҳмедова ўзи меҳнат қилаётган Тошкент заргарлик заводи билан фахрланади. Бу катта корхонанинг алюмин, металл, қимматбаҳоли металлар, голваника цехларида бир ярим мингга яқин киши ишлайди. Цех ишчилари бир-бири билан мусобақадош, маслаҳатдош. Бу ҳамжиҳатлик самараси тўрт ойлик давлат планини ортиқ билан бажарилишида, планга қўшимча 169 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишида қўл келди.

Корхона йилдан йилга гуркираб ўсяпти. Аниқса, Чилонзордаги янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бинога кўчиб ўтилгач, завод учун янги истиқболлар очилди. Масалан, ўтган йили 17 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил заргарлар коллективи 20 миллион 840 минг сўмлик иш бажарадилар. Йиллик давлат плани 22 декабрда ado этилади. Биргина Назира опа меҳнат қилаётган алюмин цехи эса юбилей йилида бир миллион 680 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, давлатга плондан ташқари 50 минг сўмлик даромад келтиради.

Назира Аҳмедова ҳозирда ўнинчи беш йиллик меҳнат календари ҳисобига берилган буюртмаларни фақат «аъло» сифатга ишламоқда. Унинг издошлари Зуҳра Маҳмудова, Ҳамида Обидова, Николай Сорокин, Муҳаррам Маъдиева, Шукуриниса Аҳмедова, Қўчқор Тўраевлар ҳам тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга анча бўлди.

Заводда меҳнат унумдорлигини ошириш, умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашга катта эътибор берилаяпти. Иттифоқимизнинг Боку шаҳри, Иваново областидаги корхоналар коллективлари билан боряпти. Мамлакатимизнинг турли чеккаларига жўнатилаётган таҳинчоқлар бир-биридан нафислиги билан ажралиб туради. Шулар орасида айниқса Н. Аҳмедова юксак маҳорат, ўткир дид билан ишлаган зираклар диққатингизни ўзига дарров тортади. Зиракларни заргарлик завқи, меҳри билан сайқаллаш, кўз ўрнатиш, бандларини мустаҳкамлаш усуллари Назира опа ишлаган маҳсулотда бежирим бажарилади.

Яқинда заводнинг бир группа ишлаб чиқариш илғорлари СССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ орден ва медаллар билан мукофотланди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Иброҳим Жаваров, Мирзаумар Мирзараҳметовлар кўксини безади. Назира Аҳмедова «Ҳурмат белгиси» орденини олишга муваффақ бўлди. Унинг ҳамкасблари Ўлмасбой Шоакбаров ҳам «Ҳурмат белгиси» ордени, Михаил Назаров «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», Аҳмаджон Маткаримов, Неъмат Ғуломовлар «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирландилар.

Ҳа, дарё сувини баҳор тоширар, инсон қадрини меҳнат оширар деганларидек меҳнат қилиб ҳурмат топган Назира Аҳмедова ҳозир касбдошлари билан бирга улкан режалар тўғрисида меҳнат қиляпти. У янада чиройли зирак ва нишонлар яратиш йўлари билан яшаркан, олтин касби уни янги зафарлар сари етаклайверади.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

СУРАТДА: Заводнинг алюмин цехининг ишчиларидан (чапдан ўнгга) мастер Валентина Миронова, шогирд ишчи Саноат Салимжонова ва бригадир Назира Ахмедовалар иш юзасидан суҳбатлашяпти.

И. Шоиногомов фотоси.

МУРАББИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент тракторсозлари орасида созловчилар бригадири Анатолий Юхненко ёшларнинг энг яхши мураббийси деб тан олинди. У сўнгги тўққиз ой ичидагина тўрт ишчини мустақил ишлашга тайёрлади. Улар разряд учун имтиҳон топширганларида яхши баҳо олдилар ва юқори унумдорликка эришдилар.

Ҳозир трактор заводи цехларида юздан ортиқ мураббий бор. Улар ёш ишчиларнинг малакасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Ёшларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатмоқдалар. Касаба союз комитети ветеран мураббийларнинг мусобақасига бошчилик қилмоқда. Уларга ғамхўрлик қилиб, эътибор бермоқда. Уларнинг энг яхшилари тўғрисида «Молния» варақалари, цехларга ўрнатилган тахталар хабар бермоқда.

Оқ йўл, студентлар

Тошкент қурилиш техникуми студентлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам учинчи меҳнат семестрига катта тайёргарлик кўрдилар.

Кеча

МАЗКУР ТЕХНИКУМ БИНОСИДА СТУДЕНТЛАРНИНГ МЕҲНАТ СЕМЕСТРИГА ЖУНАШ ОЛДИДАН ТАНТАНАЛИ ИЙҒИЛИШИ БЎЛДИ. Йиғилишни техникум директори Х. Қуроонов очди. Шундан сўнг, техникум комсомол комитети секретари Р. Тўхтамуродов, қурувчилар отрядининг бошлиғи Е. Абдулқосимовлар сўзга чиқиб, бу йилги меҳнат семестрида иштирок этаётган студентлар отрядини ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишга ва камида юз минг сўмликдан знёд қурилишмонтаж ишларини бажаришга даъват этдилар.

Сўзга чиққан студентлардан П. Муртазоев, А. Асқаровлар бу йилги меҳнат семестрини муваффақиятли ўтказиш, ҳар бир студент ўз бурчини аъло даражада ўташи лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг, техникум студентлари ўтирган машиналар вокзал томон йўл олди. Вокзалда ёш қурувчиларни институт коллективи ва жамоатчилик оқ йўл тилаб, кузатиб қўйди.

Техникум студентлари ҳар йили биринчилар қаторида республикамиз қурилиш объектларига чиқиб кетадилар. Улар ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб бинокорларга яқиндан кўмаклашиб, уларнинг ҳурматига сазовор бўладилар. Бўлғуси қурувчилар томонидан шаҳримиз ва республикамиз районларида кўплаб маданий-маиший ва болалар муассасалари объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Студентлар томонидан ўтган йили Сирдарё областининг Гулистон районидаги Бахт посёлкасида бир неча юз кичкинтойга мўлжалланган боғчалар, Ворошилов номли посёлкада маиший хизмат кўрсатиш уйлари ва спорт иншоотлари қурилди. Шунингдек, студентлар Гулистон районида турли қурилиш объектларида меҳнат қилдилар.

Улар ўтган йилги меҳнат семестри давомида жами 80 минг сўмликдан знёд қурилишмонтаж ишларини ado этдилар.

Бу йилги меҳнат семестрида иштирок этаётган студентлар отряди камида юз минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ado этадилар. Улар «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш ташкилотларида, Сурхондарё областининг темир-бетон маҳсулотлари заводида, кўчма механизация колонналарида, Жарқўрғон районидаги турли қурилиш объектларида меҳнат қиладилар. Уларнинг ахди самарали меҳнатлари билан Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига муносиб армуғон тайёрлашдир.

Н. ҲОЛИҚОВ.

МУДДАТИДАН ЎН ОЙ ИЛГАРИ

КАТТАҚЎРҒОН (Самарқанд области). Каттақўрғондаги махсус нўчма механизациялаштирилган биринчи колоннанинг механизаторлари шоликорлик билан шуғулланадиган «Қорадарё» совхози учун 400 гектар янги ер ўзлаштиришни муддатидан ўн ой олдин тамомладилар. Шоликорлар шоли экишга тушдилар. «Қорадарё» совхозининг меҳнат аҳли беш йиллиннинг тўртинчи, белгиловчи йилида 5600 тонна шоли етиштиришни мўлжалламоқдалар.

Самарқанд областида ҳозир иннита ихтисослаштирилган шоликорлик хўжалиги тузилди. Бу хўжаликлар аввал унча катта бўлмаган майдонларда деҳқончилик қилган, олтмишта хўжаликдагига нисбатан кўпроқ шоли етиштиради.

Яхши дам меҳнатга ҳамдам

ҲАММАСИ ИШЧИЛАР УЧУН

Ёзнинг иссиқ кунлари бошланди. Азиз ҳамшаҳарларимиз меҳнат отпускаларига чиқиб, мамлакатимиз ва ўлкамизнинг энг хушманзара ерларига дам олиш учун ошиқишмоқда.

Қуйида пойтахтимиздаги баъзи корхоналар касаба союз комитетларининг раислари ишчиларнинг дам олиши қандай уюштирилаётганлиги ҳақида ҳикоя қиладилар:

М. ҚУШОҚОВА,
«Шарқ» мебель фирмаси касаба союз комитетининг раиси.

— Фирмамиз аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Корхонамизда 2250 киши меҳнат қилади. Бугунги кунда тўққизинчи беш йиллиннинг белгиловчи йили планини бажариб, келаси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Шорасул Искандаров, Рима Колумская, Шура Максанова, Рафиқ Ҳамидуллин, Шавкат Вафин ва бошқалар шулар жумласидан. Ана шундай пешқадамларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун фирмамизда барча қулайликлар яратилган.

Шанба ва якшанба кунлари эликка яқин ишчимиз «Сўқоқ» ва «Оқтош» дам олиш зоналарида бўлиб, хурсанд қайтишди. Уларни фақат республикамиз атрофида эмас, балки мамлакатимизнинг энг кўркам, хушманзара жойларига бориб, ҳордиқ чиқаришларини ҳам уюштираяпмиз. Биринчи кварталда 30 ишчимиз Кисловодск, Сочи каби ажойиб ерларда дам олишди. Бундан ташқари, 20 йилдан бери 2-филиалда ишлайдиган, беш йиллиннинг муддатидан илгари бажариб, ҳамкасбларга ўрнак бўлаётган Анвар Шоқосимович Чехословакия Социалистик Республикасига сафар қилишини ва унинг илғор ҳамкасбларидан Шура Богданова, Шорасул Искандаровларни ҳам ана шу республикага бориб келишлари учун путёвкалар ажратдик.

2-кварталга 30 та туристик путёвка олдик. Бу путёвкалар ҳам энг илғорларга берилади. Бу сафар ишчилар Нальчик, Кисловодск, Пятигорск санаторийларида ҳордиқ чиқаришади.

Г. Н. МИХТАХОВ,
«Висотстрой» трести касаба союз комитетининг раиси.

— Ўзбекистон ССР ва республикамиз Компартиясининг ярим асрлик тўйини трестимиз азаматлари ўн тўрт юбилей объектини фойдаланишга топшириш билан кутиб олишади. Бу объектлар Қизил майдонда В. И. Ленининг янги ҳайкали, Ҳадрада қурилаётган 3300 ўринли цирк биноси, «Зарафшон» ресторани, Марказий телевидениенинг рангли студияси биноси ва бошқалардир. Бугунги кунда трестимизда тўққизинчи беш йиллиннинг бажарганлар бешта бригада бўлиб, ҳозир улар келаси беш йиллик учун меҳнат қилишмоқда.

1-қурилиш бошқармаси азаматлари тўрт йилликни трестимизда биринчи бўлиб бажариб, 7-июндан бошлаб келаси йил ҳисобига ишлашмоқда. 69-қурилиш бошқармасидаги Мухтор Ҳабибуллаев бригадасида 37 киши ишлайди. Бу бригада азаматлари ҳам бир беш йилликда икки беш йилликни бажариб, ҳозир ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев бригадаси эса, Олмаотадаги ҳамкасби Ўроз Мукашов билан социалистик мусобақа ўйнаган. Олмаоталик илғорлар яқинда Тошкентда бўлишиб, ҳамкасбларни иши билан яқиндан танишишди. Биз май ойи социалистик мусобақасида голиб чиққан Х. Қорабоев бригадасига Самарқандга бепул бориб, у ернинг ажойиб тарихий ёдгорликлари билан танишиб келишини уюштирдик.

Трестимизда қурувчиларнинг шанба ва якшанба кунлари дам олишларини кўнгилли уюштирмоқдамиз. Бу йил Самарқанд ва Чимёнга бориб ҳордиқ чиқардик. Ҳадемай, Самарқанд Олмаота-Фрунзе бўйлаб сафар уюштирмоқчимиз. Трестимизда беш ой ичида 15 та санаторийга, 30 та дам олиш уйига, 19 та туристик саёҳатга путёвкалар олинди. Бундан ташқари, ҳар мавсумда қурувчиларимизнинг юзга яқин фарзандларини дам олишини уюштираяпмиз. Ҳозир 75 пионер ва ўқувчи пионер лагерларида ҳордиқ чиқаришяпти.

* * *

Шаҳримизнинг Революция хиёбонидаги «Снежок» кафеси меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқарувчи манзилгоҳларидан биридир. Соя салқин дарахтлар, ажойиб гулзор ўртасида жойлашган бу кафе доим шаҳримиз меҳнаткашлари ва яқин атрофдан келган меҳмонлар билан гавжум.

СУРАТДА: «Снежок» кафесида.

М. Нуриддинов фотоси.

Редакцияга хат

Кўчалар кенгайтирилмоқда

Республикамизнинг олтин юбилейига Ленин район меҳнаткашлари қизғин тараддуд кўришмоқда. Шу кунларда Ўзбекистон кўчаси билан Киров номли кўча муюлишида янги Киров номли хиёбон ташкил қилиниб, Кафанов номли боғнинг реконструкцияси тугалланмоқда. Юбилей йилида Куйбишев шоссесининг Октябрь революцияси кўчасидан то Мунис кўчасигача бўлган оралиғи 3—4 метрга кенгайтирилиб, транспорт қатнови учун яхши шароит яратилади. 2-Коммунизм проезди асфальтланди, Пролетар кўчасининг бир қисми кенгайтирилди.

Бугунги кунда қурувчилар Червяков кўчасида қизғин иш олиб боришмоқда. Кўчанинг ўнг томони кенгайтирилиб, гулзорлар ташкил этилмоқда. Бу ишларни тез ва сифатли бажаришда «Гордорстройремонт» трести азаматлари катта ҳисса қўшмоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

СОВУҚДАН ҲАМ, ИССИҚДАН ҲАМ

Пскентдаги сут заводида ишга туширилган ўстановка белгиланган программа бўйича ҳам совуқ, ҳам иссиқ беради. У сутни қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур температураларни таъминлайди.

... Ҳар бир уйда ҳам шунга ўхшаш нарса бор. Ҳар қандай холодильник қизишини пайқаш қийин эмас. Биз уни хисобга олмаймиз. Уй шароитларида холодильникнинг орқа деворидаги иш органлари турган жойдан мана шу иссиқлик чиқади. Улар ҳаво билан совутилади.

Ҳамма кўриб юрган ва пайқаган нарсадан наф чиқариш ихтирочига хос сифатдир. Шундай қилиб, ҳар бир совутиш установкаси ҳосил қилувчи совуқдан ва иссиқдан фойдаланиш фикри пайдо бўлди. Янгилик биринчи марта сут заводида — совутиш ҳам, иситиш ҳам битта технологик линияда талаб этиладиган жойда қўлланганлиги тасодифий эмас.

Колаётган сут дастлаб совутилмоғи лозим. Шундан кейин у пастерланади, яъни сутдаги тирик организмлар юксак температурада зарарсизлантирилади.

Ихтирочилар сут пастерлаш учун зарур энергияни холодильникнинг қизийдиган конденсаторлари орқали оқаётиб, ошиши керак дедилар. Шунга қадар сут сув билан совутилиб келар эди.

Бу фикр кейин макетга айлантирилди, шундан сўнг ғалати установкаларнинг тажрибасида нусхаси Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Политехника институтида текширилиб кўрилди. Бу ерда, совутиш машиналари ва установкалари қаҳ

Илм-фан — ишлаб чиқаришга

федрасида Совет Иттифоқида биринчи иссиқлик ва совуқлик билан комплекс таъминлаш билан шуғулланувчи проблема лабораторияси очилди. Бу лаборатория олимлар билан ишлаб чиқарувчиларнинг кучғайратларини бирлаштирди: институтда бошланган ишни Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлиги кўллаб-қувватлади. Ҳамдўстлик кетидан автордошлик вужудга келди: доцент А. Лавочкин билан шу марказий конструкторлик лойиҳа-технологик бюросининг директори инженер А. Аюповга ихтиро шаҳодатномаси берилди.

Янгилик жорий этилди. Унинг биринчи саноат намунаси сут заводида синаб кўрилди. Бу «холодильник — қайнатгич» бир соатда 5 минг литр сутни қайта ишлашга мўлжалланади. Иқтисодий самара йилига 20 минг сўмга боради.

— Бу ерда ғап фақат тежаш устидагина бораётгани йўқ,— деди А. Аюпов ЎзТАГ мухбири Е. Ешимов билан суҳбатда.— бу ерда ғап сут заводи схемасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бораётир. Ҳозирга қадар бир қозонхонаси корхонанинг муқаррар бир бўғини ҳисобланар эди. Қозон бор жойда сув кетади ва газларни чиқариш учун мўри ҳам бўлиши керак. Шундай қилиб, сут заводи содда, ихчам бўлиб қолди ва айни маҳалда муҳитни кўриқлашга муҳим ҳисса қўшилди. Чунки Ўзбекистонда сутни дастлабки ишловдан ўтқазадиган ўнлаб заводлар бор.

— Шу заводларнинг ҳаммаси янги ускуналар билан таъминланса, нима бўлади?

— Йилига 1 миллион 600 минг сўм тежаш мумкин бўлади.

— Хўш, уларни машина-ускуна билан қандай таъминлаш мумкин?

— Менимча, дастлабки дамларда бизнинг бюро бу ишни ўз зиммасига олиши мумкин. Соатига 15 минг литр сутни қайта ишлайдиган — қуввати уч карра оширилган агрегат тайёрланяпти. У Калинин районидаги корхоналарга аталган. Мамлакатнинг бошқа районлари эҳтиёжларини қондирмоқ учун агрегатларни кенг кўламда кўплаб ишлаб чиқариш тўғрисида ҳам ўйлашга тўғри келади, албатта.

Ҳозирнинг ўзидаёқ қайта ускуналашга кетган харажатлар бир ярим-икки йилда қопланади. Машина-ускуналар заводда ясалганида самараси бундан ҳам юқори бўлиб чиқади. «Холодильник - қайнатги ч» индустрия ва қишлоқ хўжалигининг ҳам совуқлик, ҳам иссиқлик керак бўлган бошқа кўп соҳаларида ҳам ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон пойтахтининг олимлари ва инженерлари қилган бу иш мамлакатимизда ва чет элларда танқодир.

Беруний номидаги институтнинг лабораторияси изланишларини давом эттирмоқда.

Москвадаги «Калибр» асбобсозлик заводининг маҳсулотлари саноатимизнинг жуда кўп тармоқларида кўлланилади.

СУРАТДА: корхонанинг ўтган йили ишга тушган термоконстант цехида. Бу ерда профилограф, профилометр приборлар ишлаб чиқарилади ва созланади.

ТАСС фотохроникаси.

ЭНТОМОЛОГЛАР ЁРДАМИ

Бир ярим ой мобайнида Афғонистонда ишлаган чигирткага қарши нурашувчи совет экспедицияси ўз ишини тамомлади. Шу вақт ичида қўшни мамлакатнинг Қундуз, Саманган, Балх ва шимолдаги бошқа вилоятларида 70 минг гектар майдонда хавфли қишлоқ хўжалик зараркунандасига қарши химиявий ишлов берилди. Бу совет экспедициясининг сўнгги ўн беш йил ичида бажарган ишларининг энг катта ҳажмидир. Совет экспедицияси шу йиллар мобайнида ҳар йили Афғонистонга бориб турди.

Чигирткага қарши нурашда зарур бўлган аппаратлар ва заҳарли химикатларни Совет Иттифоқи бепул етказиб бермоқда.

МЕХАНИК МИРОБ

Ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси томонидан яратилган ПАП-300 маркали кўчма суғориш агрегати давлат синовидан ўтди. Механик мироб Жанубий Украина ва Қизил Ўрда машина-синов станцияларида имтиҳон қилинди. Агрегат беда, бўғдой, шоли, боғларни суғоришда яхши самара беришини кўрсатди. Чимкент областида эса агрегат ғўзани суғоришда ҳам ғоят кўл келди.

...Ариқ ёнига насос станцияси осилган ҳамда ғалтагига полиэтилен шланг ўралган трактор келади. Механизатор машинадан тушмасданоқ шлангни чуваб, гидравлик асбоб ёрдамида сув хўплайдиган трубани сувга туширади-да, даладаги эгатларга оби-ҳаёт шалдираб оқа бошлайди. Универсал сувчи бир соатда 0,5—0,7 гектар майдонни суғоради. Тошкентлик мутахассислар ясаган ва секундига уч юз литргача сув бераоладиган қудратли насос туфайли мироб меҳнатининг баракали бўлишига эришилмоқда. Шунга қарамасдан агрегат ғоят енгил, у алюминийдан ясалган.

Машинани кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

(ЎзТАГ).

● Китоб жавонига

Ҳужжатлар тўплами

Сиёсий адабиёт нашриётида «В. И. Ленин. КПСС партия бирлиги тўғрисида» деган ҳужжатлар тўплами босмадан чиқди.

Китобга Владимир Ильич асарлари, шунингдек, унинг айрим асарларидан парчалар, КПССнинг партия сафлари бирлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган барча муҳим ҳужжатлари киритилган.

Тўпламдаги материалларда партия ичидаги ҳар қандай оппортунистик ва душман оқимларга қарши, ишчилар ҳаракатининг бирлиги учун партия, унинг бунёдкори, доҳийси В. И. Ленин олиб борган катта фаолият кўрсатилган.

(ТАСС).

Украин тилида

КИЕВ. Украина «Политиздат» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолалари киритилган «Ленин йўлидан» китобининг тўртинчи томини украин тилида босмадан чиқарди. Бу томда ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1972—1974 йилларда сўзлаган нутқ ва докладлари бор.

ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ.

СУРАТДА: Фарғона областининг сўлим оромгоҳи — Ҳамзаобод шу кунларда дам олувчилар билан гавжум.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Чет тиллар институти ўқитувчилари Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб Чилонзор район маҳаллаларида, қурилиш ташкилотлари ва маданият уйларида учрашув кечалари ўтказиб, лекциялар ўқимоқдалар.

Институтнинг бир группа ўқитувчилари райондаги Дўмбиробод ва 4-маданият уйида бўлиб, аҳоли ўртасида қизиқарли лекция ўтказдилар. Тарих фанлари кандидатлари М. Абдуллаев, М. Камолов, филология фанлари кандидати У. Ҳошимовлар «Ўзбекистон Компартиясининг шонли йўли», «Фан ва маданият тараққиёти», «Халқаро аҳвол» ҳақида йиғилганларга гапириб бердилар.

4-маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари концертидан йиғилганлар ғоятда мамнун бўлдилар.

Бутуниттифоқ конференцияси

Яқинда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тўқимачилик химияси бўйича анъанавий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Москва, Ленинград, Киев, Фрунзе, Олмаота, Ленинобод, Херсон, Саратов, Душанба, Иваново шаҳарларидан келган олимлар ва тўқимачилик мутахассислари иштирок этдилар. Икки секцияга бўлиб ўтказилган конференцияда жаъми 120 доклад тингланди ва муҳокама қилинди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори Б. Э. Геллер, Саратов Давлат университетининг профессори, химия фанлари доктори А. Д. Степухович, ленинградлик олима Г. В. Иванова, Саратов химия комбинатининг илғор ишчиси Н. А. Кузьмина, Тожикистон ССР дан келган олим, техника фанлари доктори Н. Ч. Қаландаровларнинг химиявий толалар ишлаб чиқариш масалаларига бағишланган докладлари катта қизиқиш билан тингланди. Конференция иштирокчилари институт лабораторияларида яратилаётган янгиликлар билан танишишди.

● *Меҳнат семестри тараддуди*

РЕСПУБЛИКА СТУДЕНТЛАР ҚУРИЛИШ ОТРЯДИ ТУЗИЛДИ

25000 кишилик республика студентлар қурилиш отряди тузилди. Ўзбекистондаги 173 та олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг вакиллари турли қурилишларда, шу жумладан бўлажак Байкал-Амур магистралида, Олтойда, Қозғистонда, Мари АССР ва мамлакатимизнинг бошқа районаларидаги қурилишларда иштирок этадилар.

Республика студентлари биринчи космонавт Ю. А. Гагарин номи билан аталувчи шаҳарда бу йил иккинчи мавсум меҳнат қиладилар. Шаҳар қурилиши Бутуниттифоқ комсомол қурилиши деб эълон қилинган.

Биринчи марта алмашинадиган қурилиш отряди тузилди. Тошкент политехника институтининг студентлари Польшада, Краков металлургия академиясининг студентлари эса Ўзбекистон қурилишларида ишлайдилар.

Минглаб студентлар республиканинг 12 та зарбдор комсомол қурилишида иштирок этади. Улар 24 миллион сўмлик иш бажарадилар.

(ЎзТАГ).

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТГА БАҒИШЛАБ

Чилонзор районидаги «Комсомол 40 йиллиги» маданият ва истироҳат боғининг коллективи республикамизнинг ярим асрлик юбилейига бағишлаб қатор тадбирларни ўтказмоқда. Куни кеча бу ерда Совет Ўзбекистони республикасининг биринчи президенти, атоқли давлат арбоби Йўлдош Охунбобоев хотирасига бағишланган театрлаштирилган катта байрам кечаси ўтказилди.

Сўлим боғга оқшом кўнишн билан хнёбонлар томошабинлар билан жуда ҳам гавжум бўлиб кетди. Радио карнайларидан берилаётган чақириқ сўзлари катта байрамнинг бошланишидан дарақ берар эди. Карнай ва сурнайларнинг ёқимли садоси эса ҳаммани қизиқарли учрашувга чорлайди.

...Боғнинг катта хнёбонида томошабинларнинг кўз ўнгида танниқ сиймолар намоён бўлади. Улар— В. И. Ленин (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Толипов), Йўлдош Охунбобоев (республикада хизмат кўрсатган артист Б. Нурмуҳамедов), Павел Корчагин (артист Л. Сайдуллаев), Абдулла Набиев (артист Х. Саъдиев) ва бошқа бир қатор қаҳрамонлар, уларнинг орқасидан эргашган оддий халқ намоён бўлади. Мамлакатимиз бахти ва саодати учун курашган ана шу улуғ кишилар боғда ўзаро суҳбат қурадилар Шундан кейин театрлаштирилган байрам қаҳрамонлари саҳнага чиқадилар. Улар мамлакатимизда Советлар ҳокимиятини ўрнатиш, уни мустаҳкамлаш, фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш учун қандай вазифалар бажариш лозимлиги ҳақида қизғин суҳбатлашадилар.

Театрлаштирилган байрам рай-он бадиий ҳаваскорлик коллективларининг катта концерти билан тугади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

БУЮК АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

ЛИССАБОН. Португалия билан СССР ўртасида дипломатия муносабатларнинг ўрнатилиши Португалия муваққат ҳукумати учун, «қуролли кучлар ҳаракати» бошлаган мамлакатни демократлаштириш процесси учун, Португалия меҳнаткашлари ва халқи учун буюк сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди, дейилади Португалия Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг бу ерда эълон қилинган баёнотида. Шундай қилиб, дейилади баёнотда, Португалия Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида, Совет Иттифоқи билан Португалия халқлари ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий, техникавий, туристик, спорт ва бошқа соҳаларда кенг ва ўзаро манфаатли муносабатларга истиқболлар очилади.

Португалия Компартияси Марказий Комитетининг ижроия комитети яқин вақт ичида бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳам дипломатия муносабатлари ўрнатилади деб ишонч билдиради. Португалия билан социалистик мамлакатлар ўртасида турли формаларда, ўзаро манфаатли ва бир-бирини ҳурмат қилиш асосида, тинч-тотув яшаш принциплари асосида муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантириш. Португалия демократиясини ва мустақиллигини мустаҳкамлашга, экономика ва ривожланишнинг оғир проблемаларини ҳал этишга, мамлакатнинг техникавий ва маданий тараққиётини тезлаштиришга қўшилган бебаҳо омил бўлади, деб таъкидланади баёнотда. Бу Европа хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда бутун дунёда тинчлик ишига қўшилган ижобий ҳисса бўлади.

(ТАСС).

ГАВАНАДА ЯНГИ СУТ КОМБИНАТИ

ГАВАНА. Куба пойтахтида янги сут комбинати биринчи навбатининг қурилиши тугай деб қолди. Янги сут комбинати қунига бир миллион литрдан ортиқ сутни қайта ишлайди. Корхона учун хом ашёни «Сан-Хосе» ва «Лос-Наранхос» чорвачилик комплексларига бирлашган 66 та сут фермаси етказиб беради.

Комбинатнинг биринчи навбати пишлоқ ишлаб чиқарадиган цех ва бир кунда 300 минг литр сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган иккита линия қурилишидан иборат. Корхона батамом ишга тушган вақтда Куба аҳолиси ҳар куни кўшимча равишда 400 минг литр янги согилган сут, 195 минг литр қатиқ, кўп миқдорда пишлоқ, ёғ ва бошқа маҳсулотлар олиш имконига эга бўлади. Комбинатнинг қурилиши аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш борасида партия билан Куба революцион ҳукумати олиб бораётган катта ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир.

(ТАСС).

Тарихий ҳужжат

ЛИССАБОН. Португалия матбуоти Португалия билан Совет Иттифоқи дипломатик муносабатлар ўрнатишга қарор берганлигини кенг кўламда шарҳламоқда. Ҳамма газеталар Португалия ташқи ишлар министрлиги ахборотнинг тўла текстини босиб чиқарди. Унда икки ҳукуматнинг қўшма ахбороти баён қилинади.

Республика газетаси ушбу қарорни тарихий қарор деб атаб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка янги уфқлар очади деб таъкидлайди. «Секулу» газетаси эса таниқли Португалия ёзувчиси Урбану Тавариш Родригишнинг «Шарқнинг кашф этилиши» мақоласини босиб чиқарди.

Урбану Тавариш Родригиш совет халқининг маориф, фан техника, адабиёт ва санъат соҳасида эришган муваффақиятларини қайд этиб, Португалия иқтисодий ва техникавий қолоқлиқни енгиш ишида СССРнинг тажрибасидан кенг кўламда фойдаланиши мумкин, дейди.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети бюросининг қарорига биноан 1975 йил охирида Болгарияда аҳоли рўйхатга олинади. Шунингдек уй-жой фонди ҳам ҳисобга олинади. Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш учун БХР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Долов бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. Олинган маълумотлар Болгарияда социал сиёсат ва уй-жой қурилишининг узоқ муддатли планларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

(ТАСС).

САВДО-СОТИҚ РИВОЖЛАНМОҚДА

ВЕНА. Шу йилнинг дастлабки тўрт ойи ичида Совет Иттифоқига Австрия товарларини етказиб бериш ҳажми анча ошди. Шу вақт ичида СССРдан Австрияга юборилган товарлар 45,6 процент кўпайди. Австрия матбуоти канцлер Б. Крайскийнинг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити вақтида тасдиқланган иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг самарали истиқболларини таъкидламоқда.

ЧИЛИДА ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК

НЬЮ-ЙОРК. Чилийлик ватанпарварлардан ваҳшиёна ўч олишни қойил қилган фашистлар хунтаси мамлакат экономикасини бошқаришда мутлақо ожиз бўлиб чиқди. Бултурги йилнинг сентябрида халқ бирлиги қонуний ҳукуматини агдариш тўғрисидаги хабарни маъқуллаб кутиб олган Америка матбуот органлари ҳам буни тез-тез эътироф этиб турибди.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Чилидаги иқтисодий аҳвол тўғрисидаги мақоласида «Чили хунтаси пулнинг қадрини кўтаришга мутлақо қодир эмас», деб қайд этади. Шу йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида, деб ёзади газета, мамлакатда пулнинг қадрсизланиб бориш суръатлари юз процентдан ошди ва нарх-наво бирданига кўтарилиб кетди. Чилида ўтган ҳафтанинг ўзидагина нон-сут ва бошқа озиқ-овқатларнинг нархи икки баравар ошди.

Хунта иқтисодий кризисдан чиқишнинг бошқа йўлини тополмагач, жўрттага оммавий ишсизлик йўлини ўтказмоқда. Бугунги кунда ишсизлар меҳнатга лаёқатли аҳолиликнг 10 процентини ташкил этади.

«Нью-Йорк таймс» фашист маъмурларнинг сўнгги қарорларига асосланиб, шу йилнинг охирларида мамлакатда яна юз мингга яқин чилийлик ишдан маҳрум бўлади, деб хабар беради.

Мамлакатдаги иқтисодий парокандалик Чили меҳнаткашларини очлик ва қашшоқликка маҳкум этмоқда. Матбуотчилик оғибатида Чилидаги кўпчилик оилалар гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол этишдан воз кечишга мажбур бўлмоқдалар, деб ёзади газета.

Ҳиндистон ҳукуматининг тадбирлари

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати Бихар штатида озиқ-овқат танқислигини яхшилаш учун шошилинч чоралар кўрмоқда. Бу ерга қўшимча равишда 15 минг тонна дон юборилди, анча миқдорда керосин ва туз етказиб бериш ташкил этилмоқда.

Штатда чайқовчилик ва озиқ-овқат товарлари ҳамда дастлабки зарур товарларнинг нархини ошириш мақсадида яшириб қўйилган маҳсулотларни қидириб топиш кампанияси ўтказилмоқда. Ҳиндистон Коммунистик партиясининг мадади билан ўтказилаётган ана шу кампания натижасида январь ойидан ҳозирги вақтгача 2700 тонна дон, 1148 литр керосин ва кўпдан-кўп бошқа товарлар топилди.

Ҳиндистон миллий конгресс партияси Бихар ташкилоти раиси Ситарам Кесарининг хабар беришича, штат олдида турган проблемалар сиёсий тусга эмас, иқтисодий тусга эга. Маълумки, деди у. «Жана сингх» ташкилоти бошчилигидаги ўнг реакция иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, йил бошида бу штатда тартибсизликлар ва ғалаёнлар келтириб чиқарган эди.

КУБА РЕСПУБЛИКАСИ.

Гавана яқинида жойлашган Хосе Марти номидаги металлургия заводи Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ёрдамида қайта қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган эди. Корхонани тўла янгилаш 1976 йилга бориб тугалланади. Шунга қарамай корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1959 йилга нисбатан 6 баравар кўпайган.

Ҳозир заводда 30 га яқин совет мутахассислари меҳнат қилишяпти. Улар кубалик ҳамкасбларига ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёрдам бериш япти.

СУРАТДА: Совет ва Куба металлургия бир-бирлари билан қўл бериб кўришишяпти.

ПРЕСС Латина— АПН фотоси.

«КУМУШ» ЮБИЛЕЙ

Македония Социалистик Республикасининг жамоатчилиги Скопле шаҳридаги «Кирилл ва Мефодий» университети ташкил этилганлигининг йигирма беш йиллик юбилейини тантанали нишонлади.

Университет 1949 йилда фалсафа, юридик ва қишлоқ хўжалик институтлар базасида тузилган эди. Бу университет мамлакат фашизмдан озод қилинганидан сўнг асос солинган Югославиядаги биринчи университет эди. Халқ хўжалиги учун мутахассисларга бўлган талаб университетнинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Масалан, дастлабки ўн йил ичида университет студентларининг сони 10 баравар кўпайди. Ҳозир бу ерда 28 минг йигит-қиз таълим олмоқда.

1963 йилдаги ҳалокатли зилзила вақтида студентлар шаҳарчасининг қариб ярми вайронага айланди. Лекин Югославиянинг турли бурчакларидан Скоплега келган ёш курувчилар ҳамда университет студентлари янги шаҳарча қурдилар. Янги шаҳарчада ўқув корпуслари, ётоқхона бинолари, стадион жойлашди. Университет ўз юбилейига ажойиб совға олди. Маъмурий корпус, шунингдек юридик, иқтисодий ва фалсафа факультетларининг биноси қурилиши тугади.

● Сўраган эдингиз...

ИШДАН БЎШАТИШ ТАРТИБИ

Ходимнинг ихтиёри билан меҳнат шартномасини бекор қилиш деганда нимани тушунилади? Тўғрироғи, ишчи ёки хизматчи ўз аризасига мувофиқ бўшайдиган бўлса, бунинг тартиби қандай?

Ж. ЗОКИРОВА,
инженер.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқлар халқ манфаатини ифода этади. Улардан фойдаланиш юқори даражада эканлиги партия, давлат ва олий ҳокимият органлари чиқарган қонун актларида ўз аксини топган. Шулардан бири, меҳнат қилиш эркинлигидир. Шунинг учун ҳам у муҳим характерга эга. Баъзи вақтларда мавжуд қонунни яхши билмаслик ёки била туриб, уни бузишлик чалкашликларга олиб келади.

Ўзбекистон Меҳнат қонунлари Кодексининг 38-моддасида тўғридан-тўғри ишдан бўшамоқчи бўлган ходим, бу ҳақда икки ҳафта олдин ариза бериши кўрсатилган ва шундан кейин ходим ишга чиқмасликка ҳақлидир. Ўз навбатида, корхона ходимга меҳнат дафтарчасини икки ҳафталик муддат тугаган вақтда ёки ундан кейинги иш кунидан кечиктирмай бериши шартдир. Баъзи ҳолларда узрли сабабларга кўра, ходим билан корхона, муассаса, ташкилот келишиб меҳнат шартномасини юқорида айтилган муддат ўтмасдан олдин ҳам бекор қилиши мумкин.

Айрим пайтларда маъмурият ходимни моддий жавобгарлиги ёки унинг қарзи борлигини сабаб қилиб, унга меҳнат дафтарчасини беришни ва у билан бўладиган ҳисобкитобни кечиктиради. Бу эса, нотўғридир.

Меҳнат кодексининг 51-моддасида: «Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишчи ёки хизматчига, унинг билан меҳнат шартномаси бекор қилинганини кўрсатиб, ёзилган меҳнат дафтарчасини бериши шартдир» дейилган.

Шу моддада кўрсатилган шартлар бузилган тақдирда, бунга айбдор бўлган ҳамда ходим билан ҳисобкитобни кечиктирган мансабдор шахс жавобгар бўлиши керак.

Ишчи ёки хизматчи моддий жавобгар шахс бўлган тақдирда, у ишдан бўшаш тўғрисида ариза берганидан кейин, маъмурият икки ҳафта давомида унинг ихтиёридаги қийматга эга бўлган ашёларни ундан қабул қилиб олиши керак.

Ишдан бўшамоқчи бўлган ходим у отпуска вақтида дам олаётганда ҳам ариза бериб ишдан бўшаши мумкин. Унинг икки ҳафта ишлаб бериши керак бўлган мажбурияти шу отпуска кунлари билан қопланади. Ходим ишдан бўшаши тўғрисида ариза бергандан кейин, икки ҳафта ўтгач ҳам ишдан бўшамаган тақдирда маъмурият унинг аризаси борлигини рўкач қилиб, ишдан бўшатиб юборишга ҳақли эмас. Негаки, меҳнат шартномаси яна номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Юқори ташкилотнинг тасдиғи билан ишга тайинланадиган ва ишдан бўшатиладиган мансабдор шахслар ишдан ўз ихтиёрлари билан бўшашлари учун икки ҳафта олдин ариза бериб, маъмуриятни огоҳлантириб қўйишлари зарур. Агарда низо келиб чиққанда юқори ташкилот ишдан бўшаш тўғрисидаги бу низони беш кун муддат ичида ҳал қилиши зарур. Шу низони ҳал қилиш учун зарур бўлган беш кун ходим ишлаб берадиган икки ҳафта муддатнинг ичида бўлса, юқорида айтган меҳнат қилиш эркинлиги принциплари бузилмаган бўлади.

Ш. ТУРСУНОВ,
юрист.



СУРАТДА: «Ғалаба» боғида ишга тушган автодром аттракциони.
М. Нуриддинов фотолари.

● Ёз — ўтмоқда соз

Пионерлар мамнун

Октябрь районидаги 40-мактабда жойлашган ёзги лагерь биринчи сменада 107 пионерни ўз бағрига олди. Лагерда тикувчилик фабрикаси ишчиларининг, педагоглар ва шаҳардаги бир қанча ташкилотларда хизмат қилаётган меҳнаткашларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқаришмоқда.

Бу ерда ёзги таътил давомида 330 га яқин пионер ёз гаштини суради. Лагерни «Средазцветмет» ташкилоти сифатли ремонтдан чиқарди. Оромгоҳда бу йил қурувчилар кучи билан барча қулайликларга эга юз ўринли ошхона қайта қурилди ва жиҳозланди.

Октябрь район маориф бўлими дам олувчиларга 60 процент чиқим билан путёвка ажратди. Шулардан ўнтаси бепул бўлиб, бу путёвкалар кўп болалик оилаларга тарқатилди. Тарбиячилардан Ф. Мақсудова, М. Брилль, К. Насриддинова ва Д. Шомақсудовалар болаларга аъло хизмат кўрсатишяпти.

Бу ерда пионер ёзини ўтказаётган фарзандлар учун музика, моҳир қўллар ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Лагерда дам олаётган пионерлар шаҳримиз бўйлаб бир неча бор саёҳатда бўлдилар. Улар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, тарих музейини бориб кўришди. Шунингдек, уларга ҳар ҳафтада 2—3 марта кинофильм намойиш этилмоқда. Бундай қулайликлардан ва меҳрибон тарбиячилар хизматидан пионерлар роятда мамнун бўлишяпти.

~ ○ Ажаб дунё экан

Куёвни калтаклаш керакми?

ЛАГОС. Африкадаги Фулани қабиласининг куёвлари никоҳ ўқилаётган тантанали маросим чоғида бир неча дақиқа кўнгилсиз воқеани кечиришлари тўғри келади. Нигериянинг шимолида яшовчи шу қабилани одатига кўра бўлғуси эканлигини намойиш этмоғи лозим. Бунинг учун куёвнинг оғайнилари келин ва унинг онласи кўз ўнгида куёвни обдон калтаклайдилар. Келин билан унинг онласи шу воқеани диққат билан кузатиб туради. Бўлғуси эр шу вақтда азоб чекаётганлигини бирон йўсинда билдириб қўйса, келин у билан никоҳдан ўтишдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кейинги вақтларда кўпгина нигерияликлар шу одатнинг мақбуллигига тобора очиқдан-очиқ шубҳа билдирмоқдалар.

Аммо Фулани қабиласининг кексалари шу тахлитда никоҳдан ўтказиш «чидамсиз» ёшларни чиқитга чиқаришга имкон беради, демоқдалар. Айни шунинг учун ҳам бу қабилада қўйди-чиқди ниҳоятда оз эмиш. (ТАСС).

ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАРИ

Республика Кино уйида Осиё ва Африка мамлакатлари III халқаро Тошкент кинофестивалининг якунларига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Республика кинематографистлари союзи правлениесининг секретари М. Алимов Тошкент кинофестивали зўр уюшқоқлик билан ўтганлиги ва унинг якунлари ҳақида гапириб берди.

Кинофестивалда Осиё қитъасидан 23, Африка қитъасидан 23, Европадан 20 мамлакат ва шунингдек, Латин Америкасидаги бир қатор мамлакатларнинг кино санъаткорлари ўз фильмларини намойиш қилдилар. Фестивалда чет эллик меҳмонлардан 313 киши қатнашди. Ҳаммаси бўлиб 176 фильм намойиш этилди. Шулардан 83 таси бадиий, 93 таси ҳужжатли картиналардир. Бу фильмларни ярим миллионга яқин томошабин кўрди.

Кеча охирида Миср Араб рўспубликасининг «Бахт билан учрашув» фильми кўрсатилди.

Колхоз ансамбллари қурувчиларга

Ўш вилоятининг Қўрғон районидаги «Коммуна» колхозининг «Гўзал» ҳаваскорлик ансамбли қатнашчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган янги программа билан Катта Наманган канали қурувчилари ҳузурида концерт бердилар.

Наманган областидаги «Висол» «Дилором» ансамбллари ва бошқа коллективлар бўлажак юбилейга байрам программалари тайёрлашди. Улар деҳқонлар олдида, ишчи клубларида, қурилиш майдонларида концерт берадилар.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20|VI да **Хореография билим юртининг ҳисобот концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|VI да **Комиссия**, 19|VI да **Оқшомдан тушгача**, 20|VI да **Ой тутилган тунда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17|VI да **Ужарлар**, 19|VI да **Олифта**, 20|VI да **Хонума Хоним.**

Кино

18 ИЮНДА

Мактабнинг олтинлари — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Сибирлик бобо — Г. ҒУЛОМ номли (кечқурун).

Италиялиқларнинг Россиядаги ғалати саргузаштлари — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

Чингачук—катта илон — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кечқурун).

Шахсий топшириқ — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кечқурун).

Кумуш нўл хазинаси — «МОСКВА» (жуфт соатларда, кечқурун).

Соллар чошгоҳда йўқолади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Қизил бодрезак — «ДРУЖБА» (кечқурун).

19 ИЮНДА

Мактабнинг олтинлари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чингачук — катта илон (тоқ соатларда), **Италиялиқларнинг Россиядаги ғалати саргузаштлари** (жуфт соатларда). — «СПУТНИК».

Сибирлик бобо — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Кумуш нўл хазинаси — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Соллар чошгоҳда йўқолади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТЕАТР, КЛУБ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Маданият министрлиги «ТЕАМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ҚАЙТА ИШ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА

1975 ЙИЛИ УЧУН САҲНА ЖИҲОЗЛАРИНИ МЕХАНИКА-МОНТАЖ ИШЛАРИ, ЭЛЕКТРОМОНТАЖ, РЕМОНТ ВА ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ ИШЛАРИНИНГ ЛОИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ

1 НОЯБРГАЧА ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМЛИГИНИ БИЛДИРАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уй.

СССР Алоқа Министрлигининг ДАВЛАТ ИТТИФОҚ 2-ЛОИҲА ИНСТИТУТИГА (ГСПИ-2)

инженер, катта инженер, группа раҳбари ва смета бўлимининг бош мутахассиси вазифасига смета ишлари билан таниш бўлган инженер-қурувчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — биринчи категория бўйича.

93-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТГА

ишлаб чиқариш-техника бўлими инженерлари, товаршунос, монтаж бошқармаси складининг мудири; саноат ва технология ускуналари, қозон қурилмалари, металл ва темир-бетон конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; электр-газ пайвандчилар; Самарқанд, Тошкент ва Қорақалпоғистон АССР ишга туширишобъектларида ишлаш учун гусеницали ва автомобиль кранларининг 4—6 разрядли кранчилари

КЕРАК

«УЗГЛАВЭЛЕКТРОСНАБСБЫТ»га

махсус кабель маҳсулотларининг махсус базасида ишлаш учун бош бухгалтер

КЕРАК

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИГА

малакали; секретарь-машинистка, омборчи-экспедитор, шофёр, ишлаб чиқариш таълими устаси

КЕРАК

«СРЕДАЗАВТОМАТИКА» трестининг ЎЗБЕКИСТОН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА

Электр-ҳисоблаш машиналари, электроника, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика, бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларининг технологик жараёнлари бўйича инженерлар ва техниклар; контроль ўлчов асбоблари ва саноат электроникасини монтаж қилиш ва созлаш бўйича 3—6 разрядли электрослесарлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг

УҚУВ КОМБИНАТИ

1974—75 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚУВ КОМБИНАТИ: радио ва телевизорлар ремонти бўйича механиклар, моделли пойафзаллар тикиш усталари, пойафзаллар ремонти бўйича усталар, холодильниклар ва муранкаб рўзғор техникаси ремонти бўйича слесарлар, кенг профилдаги қабул қилувчилар, хотин-қизлар заллари учун сартарош усталари, кенг профилдаги фотографлар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙДАН 12 ОЙГАЧА.

Тошкент шаҳар ва областида яшайдиган 8—10-синф ҳажмида маълумотли, шаҳар ва район маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари йўлланмаси билан келган 16 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 30 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Бошқа жойдан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй. Ўқув комбинати;

Тошкент область шаҳар ва район маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари.

Тошкент пассажир станциясининг 2-ВАГОН ДЕПОСИ

Пассажир вагонлари проводникларини тайёрлайдиган КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Камида 7-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Ўқиш даврида 50 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Ўқувчилар темир йўл транспорти ходимлари учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 90-уй, кадрлар бўлими, Телефонлар: 392-54-325, 392-54-316.

«ТАШЗНИИЭП» турар жой бинолари типологияси секторининг катта илмий ходими вакант вазифасига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда фан докторлари ва номзодлари, ҳамда малакали мутахассис-архитекторлар қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент — 700, «Главпочтамт», А|Я 108.

Тошкент область, Оржоникидзе районидаги 28-ўрта мактаб томонидан **Мирзахон Кулманов** номига берилган 219804 номерли ўқуқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбыт» коллективи Автозаправка станцияларининг Тошкент область ва шаҳар бирлашмаси бошқармасининг собиқ бошлиғи, КПСС аъзоси, шахсий пенсионер

Туроб Шарипович ШАРИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Автозаправка станцияларининг Тошкент область ва шаҳар бирлашмаси бошқармасининг коллективи бирлашма бошқармасининг собиқ бошлиғи, КПСС аъзоси, шахсий пенсионер

Туроб Шарипович ШАРИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.



Шаҳримизнинг Тарас Шевченко кўчасида жойлашган «Прогресс» китоб магазини меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда фан ва маданият, санъат, халқ хўжалигининг турли соҳаларига оид бўлган адабиётларни кенг кўламда харид қилиш мумкин. Бундан ташқари бадиий тасвир бўлимида нодир санъат асарларининг нусхалари турли хил рангларда сотилмоқда. Шу магазин қошида совет ва чет эл авторларининг энг яхши қўшиқлари ёзилган грампластинкалари билан савдо қилиш ҳам ташкил қилинган.

СУРАТДА: магазинда савдо пайти.

● Ҳодиса

МИННАТДОРЧИЛИК

Кеч соат ўнларда кутилмаганда Қизилтовуш маҳалласининг клуби, маҳалла қўмитетининг идораси бинолари теварагидаги бузилган уйларнинг эски ускуналари ва қурпа ётган қамишлар орасида болаларнинг гугурт билан ўйнашиши натижасида ёнғин чиқди. Ловуллаб ёнаётган қамишларнинг алангаси икки-уч метргача кўтарилиб, бинога хавф солаётган эди. Буни кўриб тезда ўт ўчириш командасига хабар қилинди.

Ёнғин тушган жойга жанговар тайёр ҳолда Октябрь район кўнгилли ўт ўчириш жамиятидан етиб келган кичик лейтенант У. Абдуллаев бўлима командири Ҳ. Зонтов, жангчилардан А. Абдурахмонов ва бошқалар тезлик билан ёнғинни ўчирдилар.

Ўт ўчирувчиларнинг ўз вақтида кўрсатган тадбиркорлиги ва жасорати туфайли жамоат бинои ва ундаги буюмлар ёнғиндан сақлаб қолинди. Маҳалла аҳли ўт ўчирувчиларга самимий миннатдорчилик билдирди.

М. КАМОЛХЎЖАЕВ,
хизматчи.

● Сўнгги пушаймон — ўзингга душман

«Ҳуштак афандим»

У этиги ва галифени ечиб, севимли ҳуштагини чап қўлида ўйнаб ўтирган бир пайтда, дарвоза эшигидаги қўнғироқ ирингилаб қолди. У ялангоёқ югуриб бориб, эшикни очган эди, икки киши унга қараб:

— Ҳуштак афандим, қўлга олиндингиз, деди.

— Ҳазилингизни қўйинг, гражданин. Сиз ким билан гаплашаётганингизни биласизми, ўзи. Подполковник билан бундай қалтис муомала қилишни тақиқлайман. Ҳозироқ ҳовлимдан чиқиб кетмасангиз, сизларни милиция бўлимига олиб бориб, қаматиб юбораман. Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади, деганларидек, сизлар келиб-келиб мен билан ўйнашасиларми?

Ҳуштак афандим билан гаплашаётганлар анча таҳрибали бўлгани учун ҳам дўқ-пўписалардан чўчимай, уни кўча муюлишида турган машинага тўқазиб, милиция-га олиб келишди.

Кўп ўтмай, милиция ходимлари томонидан Ҳуштак афандининг қилмишлари очиб ташланди. Хўш, Ҳуштак афанди ким? У ўзига нега бунақа ном орттирди?

Ҳуштак афандининг номлари — Жаҳонгир Тўраҳўжаев. У асли қўқонлик. Фирибгарлик ишини давом эттириш учун Қўқондан Тошкентга келади. Шундан сўнг, баъзиларнинг анқовлигидан фойдаланиб, ишламасдан пул топа бошлайди. Бировларга енгил автомашина, яна бировларга эса ноёб рўзғор жиҳозлари топиб беришга ваъда қилиб, улардан олинган пул эвазига яшай бошлайди.

Қилмишига яраша қамалиб чиқади. Лекин, текин томоқликни ташламади. Жиғилдон бандасига айланди. Фирибгарликнинг янги турларини ўйлаб топа бошлади.

У таниш-билиш қилиб, милиция кийимлари ва ҳуштак сотиб олди. Ҳуштакни қойиллатиб чалишни машқ қилди. Кейин ўзини маҳалла-кўйга милиция подполковниги деб таништирди. Қизил муқовали турли гувоҳномалар билан кишиларни чалғитиб, чайқовчилик қилиш учун ўзига шароит яратди. Қариялар уни ўзимизнинг Ҳуштак афандимиз деб атайдиган бўлдилар.

Фирибгарликда тажрибали Ҳуштак афанди эса, астасекин қўни-қўшниларига «Меня мартабамдан фойдаланиб, машинали бўлиб қолсаларинг-чи» — деган гапларни тез-тез айта бошлади. Машина олувчилар ҳар куни узун-кисқа бўлиб, подполковник уйига кела бошладилар...

Унинг қабулига биринчи бўлиб Зуфар Ғуломов таниф бўлди бўлди. Қисқа ҳисобкитобдан кейин у Тўраҳўжаевга 9 минг сўм қолдириб, «Москвич— 412» машинасига буюртма берди. Ойлар ортидан ойлар ўтди, лекин машинадан дарак бўлмади. Бундан Ғуломов ташвишга туша бошлади. Бироқ, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай, пинҳон юраверди. Тўғриси, милиция подполковникнинг кўнглини ранжитишга юраги бетламади.

Кунларнинг бирида Сорахон Холмуҳамедова ҳам Ҳуштак афанди ҳузурига бир минг сўм билан келиб, уй олиб беришни илтимос қилди. Фирибгар навбатдаги ўлжани ҳам осон ҳамёнга тушганидан қувонди.

Сорахонга ёлғон ваъдалар бериб, унга уй ҳужжатлари тайёр бўлмагунча безовта қилмасликни ҳутирди. Илиқ суҳбатдан кейин бир неча ой ўтди. Аммо уй ҳужжатларидан дарак бўлмади. Чунки Сорахоннинг пули ўзлаштириб юборилган эди.

Балогат ёшидаги Сафарбой Матмирзаев ҳам Ҳуштак афандининг ҳотамтойлигини эшитиб, севган қизига уйлантиришда ёрдамлашиш ҳақида нажот сўради. «Ҳожатбарор» Жаҳонгир Тўраҳўжаев иш битгунча Сафарбойдан фойдаланиб қолишни хаёлидан ўтказди. Келишувга биноан Сафарбой бир неча йил Ҳуштак афандининг уй хизматида бўлди. Шу орада тўй ҳаражатлари учун у Жаҳонгирга 1300 сўм берди.

Тўй пулига Ҳуштак афанди кайф-сафо қилиб юрганда, у милиция ходимлари томонидан қўлга олинди... Ёлғоннинг умри қисқа деганларидек, жиғилдон бандасининг барча сирлари фош бўлди. Баъзи лақма ва анқовлар эса пулига қуйиб қолаверди. Ҳуштак афандининг қилмишлари ҳақида эшитганларида бутун маҳалла ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди.

Яқинда Собир Раҳимов район халқ судида Г. Аббосов раислигида Жаҳонгир Тўраҳўжаевнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Суд илгари бирор жойда ишламай, фирибгарлик билан кун кечириб юргани, сохта ҳужжатлар билан кишиларни чалғитгани учун уни қаттиқ режим билан олти йил қамоқ жазосига ҳукм этди. Унга тегишли мол-мулк давлат фойдасига мусодара қилинди. Жиноятчи олти йиллик қамоқ жазосидан сўнг, уч йил муддат билан Тошкент шаҳридан бадарга қилинади.

Э. ЖЎРАЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Бугун ва эртага "Занговн экран"да

18 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.05 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.15 Болалар учун кинофильм. 18.25 Телевизион қўғирчоқ театри (Ўзбек тилида). 18.55 «Беш йиллик зарбдорлари». 19.25 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.40 Ўн минут музика. 19.50 «Ёзувчи ва замон». 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 «Ёшлар ижоди». Тоҳир Миралиев. 21.50 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади** 22.30 Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. Ўсимликшунослик факультети (Ўзбек тилида). 23.00 Операларданария ва дуэтлар. **Москва кўрсатади.** 23.45 «Абадий дўстлик». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 24.00 Рангли телевидение. Спорт кундалиги. 00.30 Рангли телевидение. Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Шотландия — Бразилия терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади. 02.15 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.05 Рангли телевидение. «Ҳаёт — илонлар султони». Болалар учун бадиий фильм. 19.10 Янгиликлар. 19.20 Рангли телевидение. Болалар учун. «Йил давомида». 19.35 «Инсон ва қонун». 20.05 Экранда кинокомедия. «Серташвиш хўжалик». Бадиий фильм. 21.35 Концерт. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Тўқувчи», «Ўртоқларим ва ўзим ҳақимда». Телевизион фильмлар (Ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Халқ артисти И. М. Москвин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. 19.15 «Митти солдат». Телевизион фильм (рус тилида). **Узбек тилида:** 19.55 Врач маслаҳати. 20.10 «Рюцебал томон йўл». Бадиий фильм.

19 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 Ўқувчилар учун. «Нептун» клуби совғини учун. 13.00 Эканда кинокомедия. «Серташвиш хўжалик». Бадиий фильм. 14.30 Рангли телевидение. «Пушкин ва музика». 1-кўрсатув. 15.00 Ф. Э. Дзержинский номли Қизил байроқли дивизиянинг 50 йиллиги олдидан. 15.45 Рангли телевидение. «Каштаҳар». 16.15 Кўрсатувлар программаси. 16.20 «Биз ишчи синфимиз». Донецк шаҳрида бўлиб ўтган фестивалда совғи олган фильмлар кинопрограммаси. «Токарь», «Мангу узел». 17.15 Болалар учун бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.30 Рангли телевидение. «Звездочка» киноальманахи. 19.20 «Ахборот» информацион программаси. 19.35 «Рус тили». Илмий-оммабоп программаси. 3-кўрсатув. **Узбек тилида:** 20.10 Ўн минут музика. 20.20 «Интернационализм — бизнинг байроғимиз». 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Хоразм области артистлари ва бадиий ҳаваскорларининг концерти. 21.50 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Сувчи, ҳосил тақдири сенинг қўлингда». 22.50 «Инсонни ардоқланг». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 00.30 Рангли телевидение. Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Болгария— Уругвай терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.00 «Петя исмли қўён ва сеҳрли роялъ». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 11.15 «Сенинг дўстларинг». Бадиий фильм (Ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.25 «Фан оламида». 18.55 «Поэзия». Ватан ҳақида совет шоирларининг шеърлари. 19.10 Янгиликлар. 19.20 Рангли телевидение. «Светлячок». Мультфильм. 19.30 «Дўстлик ва бунёдкорлик иттифоқи». Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 25 йиллигига. 19.55 «Қўйла, баяним». 20.35 Рангли телевидение. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Г. Афанасьев телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 21.05 Рангли телевидение. А. С. Пушкин. «Анжелла». Телевизион спектакль премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли кино экрани (Ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Ростов Давлат музикали педагогика институти коллективининг концерти. Ростов-Дондан олиб кўрсатилади. 23.15 Горький автомобиль заводи қурувчиларининг учрашуви. 00.15 Рангли телевидение. Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 19.15 «Сузиб юрувчи орол». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 Тошкент шаҳри ва Тошкент области меҳнаткашлари учун телевизион программа. «Пойтахт қурилишларида». (Ўзбек тилида). 20.20 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 20.50 «Охири йўқ кўча». Бадиий фильм.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ.
18 ИЮНЬ, 1974 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ.

Р—02577. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр А — 3143.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача Эълонлар бўлими — 33-81-42.